



**TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

VOLUME 7 / 2024

**LABOR ECONOMICS**

# **MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

ilmiy elektron jurnali

**LABOUR ECONOMICS AND  
HUMAN CAPITAL**

scientific electronic journal

**2024 yil 3-son**

Volume 9, Issue 3, 2024



**МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI  
VA INSON KAPITALI**  
**ISSN: 3030-3117**



**LABORECONOMICS.UZ**

**МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

*№ 3-2024*

**ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ  
КАПИТАЛ**

**LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL**

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.

**Muassis:** “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi,  
49 uy

**Elektron manzil:** [ilmiymaktab@gmail.com](mailto:ilmiymaktab@gmail.com)

**Jurnal web-sayti:** [www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**Bog‘lanish uchun telefonlar:**

+998998818698

**Tahririyat Kengashi raisi:****(Chairman of the Editorial Board)**

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a'zolari:****(Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.  
Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d., prof.  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof  
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof  
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof  
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.  
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.  
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.  
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.  
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.  
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d., prof.  
Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.  
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)  
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.d., (DSc), dots.  
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a'zolari:****(Community Council members)**

Bred Bodenxauzen (AQSh)  
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)  
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)  
Keynz Miller (AQSh)  
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)  
Masato Xivatari (Yaponiya)  
Gerxard Feldmayer (Germaniya)  
Eko Shri Margianti (Indoneziya)  
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)  
Rohana Ngah (Malayziya)  
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)  
Teguh Dartanto (Indoneziya)  
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)  
Muhammed Xoliq (Pokiston)  
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

**Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief):** G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

**Veb-administrator (Web admin):** Musayev Xurshid Sharifjonovich

**MUNDARIJA (CONTENTS)****MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

<b>S.B.G'oyipnazarov</b> <b>A.B.Xayitov</b> <b>G.F.Abdumalikova</b>	<i>Labor market transformations in developing countries .....</i>	5-23
<b>B.E.Mamaraximov</b>	<i>Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish va yoshlar bandligini ta'minlashning davlat siyosati .....</i>	24-29
<b>J.D.Jo'rayev</b>	<i>O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotda aholining ish bilan bandligini ta'minlash .....</i>	30-37
<b>T.T.Xalikov</b>	<i>Raqamli iqtisodiyot sharoitida bitiruvchilarni bandligini ta'minlash tizimining matematik modelini optimallashtirish .....</i>	38-45
<b>T.T.Xalikov</b>	<i>Raqamli iqtisodiyot sharoitida oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ish bilan ta'minlash tizimini takomillashtirish .....</i>	46-51
<b>F.X.Mamatova</b>	<i>Barqaror iqtisodiy o'sishda mehnat unumdorligini oshirish yo'llari .....</i>	52-62

**INSON KAPITALI**

<b>K.X.Abduraxmonov</b> <b>S.S.Ismoilov</b>	<i>Роль стратегических инвестиций в развитие человеческого капитала в условиях цифровой трансформации банковской системы Узбекистана .....</i>	63-74
<b>S.B.G'oyipnazarov</b> <b>T.N.Azimov</b>	<i>Inson kapitalini raqamli rivojlanish holatini baholashning uslubiy asoslari .....</i>	75-88

**INSON RESURSLARINI BOSHQARISH**

<b>G.Q.Abduraxmonova</b> <b>M.Sh.Xaydarova</b>	<i>Davlat korxonalarida inson resurslarini rivojlantirishga ta'sir etuvchi omillarni aralash usul yordamida baholash .....</i>	89-110
<b>U.X.Abdukarimov</b>	<i>Davlat fuqarolik xizmatchilarining salohiyatini rivojlantirish: yangi davr talabi va imkoniyatlari .....</i>	111-120
<b>M.A.Qayumova</b>	<i>Strategies for enhancing faculty motivation: evidence-based practices for higher education institutions .....</i>	121-131
<b>X.A.Ortiqov</b> <b>G.X.Anvarova</b>	<i>Muassasalarda yil o'rtasida shtat jadvaliga o'zgartirish kiritish tartibi .....</i>	132-138
<b>M.A.Yusupova</b>	<i>Bank sohasida sun'iy intellektni integratsiya qilish orqali mehnat tashkilotini transformatsiya qilish .....</i>	139-152

<b>TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH</b>		
<b>Z.Dj.Adilova</b>	<i>Qoraqalpog'iston Respublikasida turizmni</i>	153-162
<b>B.K.Kusekeyev</b>	<i>rivojlantirish istiqbollari .....</i>	
<b>B.Z.Arzimatov</b>	<i>Привлечения инвестиций в сферу туризма в</i>	163-170
	<i>Узбекистане: тенденции и события .....</i>	
<b>N.O.Jumaniyozov</b>	<i>Mintaqalararo iqtisodiy integratsiyaning</i>	171-180
	<i>O'zbekiston iqtisodiyotiga ta'siri .....</i>	
<b>K.J.Sodiqxo'jayev</b>	<i>Moliyaviy resurslar defitsiti sharoitida xo'jalik</i>	181-187
	<i>yurituvchi subyektlarni samarali boshqaruv</i>	
	<i>strategiyasini takomillashtirish .....</i>	
<b>N.S.Yuldashev</b>	<i>O'zbekiston iqtisodiyotining barqaror taraqqiyotiga</i>	188-195
	<i>xorijiy investitsiyalar ta'siri .....</i>	



## МЕHНАТ ИҚТISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ISSN: 3030-3117

<https://laboreconomics.uz/>



### ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ЯНГИ ДАВР ТАЛАБИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

**Абдукаримов Уткир Хамзаевич**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг  
Тошкент шаҳар филиали Инсон ресурслари ва кадрлар  
салоҳиятини ривожлантириш бўлими бош инспектори

DOI: [https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2\\_iss1/a109](https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a109)

**Аннотация.** Ушбу мақолада глобаллашув даврида давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантириш масаласи ўрганилди. Ривожланган давлатларнинг илғор методлари қиёсий ўрганилиб, Ўзбекистонда давлат хизматчилари олдидаги янги талаблар таҳлил этилди. Назарий қарашларнинг қиёсий таҳлили асосида инсон капиталини ривожлантириш, узлуксиз таълим, институтчионал ислохотлар ва рақамли трансформация назариялари кўриб чиқилди. Амалий таҳлиллар орқали давлат хизматини ривожлантиришдаги муваффақиятлар ва мавжуд муаммолар аниқланди.

**Калит сўзлар:** Давлат фуқаролик хизматчилари, кадрлар салоҳияти, касбий ривожланиш, инсон ресурсларини такомиллаштириш, рақамли технологиялар.

### РАЗВИТИЕ КОМПЕТЕНТНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ: ТРЕБОВАНИЯ И ВОЗМОЖНОСТИ НОВОЙ ЭРЫ

**Абдукаримов Уткир Хамзаевич**

Главный инспектор отдела кадров и развития кадрового  
потенциала Ташкентского городского филиала  
Агентства развития государственной службы  
при Президенте Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье исследован вопрос повышения квалификации государственных служащих в эпоху глобализации. Были сравнительно изучены передовые методы развитых стран, проанализированы новые требования к государственным служащим в Узбекистане. На основе сравнительного анализа теоретических позиций были рассмотрены теории развития человеческого капитала, непрерывного образования, институциональных реформ и цифровой трансформации. Путем практического анализа были выявлены успехи и существующие проблемы в развитии государственной службы.

**Ключевые слова:** Государственные гражданские служащие, кадровый потенциал, профессиональное развитие, совершенствование человеческих ресурсов, цифровые технологии.

## DEVELOPING THE COMPETENCE OF PUBLIC CIVIL SERVANTS: REQUIREMENTS AND OPPORTUNITIES OF THE NEW ERA

**Abdukarimov Utkir Khamzaevich**

Chief Inspector of the Human Resources  
and Personnel Capacity Development Department  
of the Tashkent city branch of the Public Service Development  
Agency under the President of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** In this article, the issue of capacity development of state civil servants in the era of globalization was studied. The advanced methods of the developed countries were comparatively studied, and the new requirements for civil servants in Uzbekistan were analyzed. On the basis of a comparative analysis of theoretical perspectives, the theories of human capital development, continuous education, institutional reforms and digital transformation were considered. Successes and existing problems in the development of public service were identified through practical analysis.

**Key words:** State civil servants, personnel capacity, professional development, improvement of human resources, digital technologies.

### Кириш

Глобаллашув, рақамли технологиялар инқилоби ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар даврида давлат фуқаролик хизматчилари олдидаги вазифалар ва масъулиятлар янада мураккаблашиб, кўп қиррали тус олмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг интеграцияси, маълумотларнинг жадал алмашинуви ва инновацион технологияларнинг тез суръатларда жорий этилиши натижасида жамиятда янги талаб ва эҳтиёжлар пайдо бўлмоқда. Фуқаролар давлат хизматларидан самаралилик, шаффофлик ва жавобгарликни кутишмоқда, бу эса давлат бошқаруви тизимида сифатли ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони<sup>60</sup> бу борада муҳим қадам бўлди. Ушбу фармонда давлат фуқаролик хизмати тизимида мавжуд бўлган тизимли муаммолар ва камчиликлар қайд этилди, жумладан, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, кадрлар малакасининг замонавий талабларга мос келмаслиги ва қабул қилинаётган қарорлар ижроси сифатининг пастлиги.

2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон - 2030" стратегияси<sup>61</sup> давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони. «Ўзбекистон -2030» стратегияси тўғрисида

ривожлантиришда янги босқични бошлади. Ушбу стратегияда ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, ривожланган ва фаровон Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадлари белгилаб берилган.

Мазкур мақоланинг мақсади давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантиришнинг замонавий талабларини таҳлил қилиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалий тавсиялар беришдан иборат.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантириш мавзуси бўйича илмий адабиётлар ва қонунчилик ҳужжатлари қатор долзарб масалаларни қамраб олади. Ушбу таҳлилда асосий адабиётлар ва манбаларни кўриб чиқиб, уларнинг мавзуга таъсирини баҳолаймиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли Фармони

Ушбу фармонда давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилган. Фармонда кадрлар сиёсатини ислоҳ қилиш, давлат хизматчиларига қўйиладиган талабларни ошириш, уларнинг касбий ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш муҳимлиги таъкидланган. Бу ҳужжат давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган сиёсий ироданинг ифодаси сифатида хизмат қилади.

2. "Ўзбекистон — 2030" стратегияси

Стратегияда мамлакатимизнинг келгуси ривожланиш йўналишлари белгиланган бўлиб, давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий салоҳиятини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида кўрсатилган. Стратегияда инсон капиталини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш ва инновацияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса давлат хизматчиларининг замонавий кўникмаларни эгаллашига замин яратади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги материаллари

Агентлик томонидан тақдим этилган материаллар давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий ривожланиши, уларнинг малакасини оширишга қаратилган амалий тадбирларни ўз ичига олади. Агентликнинг расмий веб-сайтида малака ошириш курслари, ўқув дастурлари ва вакант лавозимлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилган. Бу манбалар давлат хизматчиларининг салоҳиятини ошириш учун муҳим амалий воситаларни тақдим этади.

4. Сингапур Давлат хизмати коллежи

Сингапур давлат хизмати коллежи давлат хизматчилари учун инновацион таълим дастурларини тақлиф этади. Адабиётларда Сингапурнинг давлат бошқарувидаги муваффақияти кадрларнинг юқори малакаси ва доимий равишда уларнинг ривожланишига

инвестиция қилиш билан боғлиқлиги таъкидланади. Бу тажриба Ўзбекистон учун намуна бўлиши мумкин.

**5. АҚШ Федерал таълим институти**

АҚШдаги федерал таълим институти давлат хизматчилари учун лидерлик ва бошқарув кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган дастурларни амалга оширади. Адабиётларда АҚШнинг давлат хизматчилари учун замонавий технологиялар ва инновацияларни жорий этишга катта эътибор қаратиши кўрсатилади. Бу тажриба рақамли трансформация жараёнларида муҳим аҳамиятга эга.

**6. Буюк Британия Миллий давлат хизмати коллежи**

Буюк Британиянинг Миллий давлат хизмати коллежи давлат хизматчилари учун узлуксиз таълим ва ривожланиш имкониятларини тақдим этади. Адабиётларда Буюк Британияда кадрларнинг касбий ривожланиши ва уларнинг малакасини оширишга йўналтирилган давлат сиёсати кенг ёритилган. Бу тажриба узлуксиз таълим концепциясининг амалий татбиқи сифатида қизиқарлидир.

**7. Инсон капиталини ривожлантириш назарияси (Becker, 1964)**

Гэри Беккернинг "Human Capital" асарида инсоннинг билим ва кўникмаларига инвестиция қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим драйвери эканлиги таъкидланади. Адабиётларда бу назария давлат хизматчиларининг салоҳиятини ошириш зарурлигини асослашда қўлланилади. Бу назария Ўзбекистоннинг кадрлар сиёсатини такомиллаштиришда назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**8. Узлуксиз таълим концепцияси (Jarvis, 2004)**

Питер Ярвиснинг "Adult Education and Lifelong Learning" асарида касбий ривожланиш ва таълим доимий равишда давом этиши кераклиги таъкидланади. Адабиётларда бу концепция давлат хизматчиларининг малакасини оширишда муҳим аҳамиятга эга экани кўрсатилади.

**9. Институционал назария (North, 1990)**

Дуглас Нортнинг "Institutions, Institutional Change and Economic Performance" асарида институционал муҳитнинг иқтисодий ривожланишга таъсири таҳлил қилинган. Адабиётларда давлат хизматчиларининг институционал асосларини такомиллаштириш кадрлар салоҳиятини оширишга ёрдам беради деган фикр илгари сурилади.

**10. Рақамли трансформация назарияси (Brynjolfsson & McAfee, 2014)**

Бринжолфссон ва МакАфининг "The Second Machine Age" асарида рақамли технологияларнинг иқтисодиёт ва жамиятга таъсири таҳлил қилинган. Адабиётларда давлат хизматчилари рақамли кўникмаларни эгаллаши зарурлиги таъкидланади.

**11. "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун.**

2022 йил 8 августда қабул қилинган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун (788-сон) Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизмати тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш,

давлат хизматчилари учун ягона ҳуқуқий асос яратиш ва давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишни мақсад қилган.

#### **Тадқиқот методологияси**

- Назарий таҳлил: Давлат фуқаролик хизматига оид илмий адабиётлар, қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ўрганилди.

- Қиёсий таҳлил: Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар (Сингапур, АҚШ, Буюк Британия) давлат фуқаролик хизмати тизимлари қиёсланиб, уларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинди.

- Статистик маълумотлар таҳлили: Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида амалий таҳлил олиб борилди.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантириш борасида турли назарий ёндашувлар мавжуд. Улардан асосийлари қуйидагилар:

Инсон капиталини ривожлантириш назарияси: Бу назарияга кўра, инсоннинг билим ва кўникмалари иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири ҳисобланади <sup>62</sup>. Давлат фуқаролик хизматчиларига инвестиция қилиш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мумкин.

Узлуксиз таълим концепцияси: Бу ёндашувга кўра, кадрларнинг касбий ривожланиши доимий равишда давом этиши керак<sup>63</sup>. Давлат хизматчилари янги кўникмаларни эгаллашда доимий равишда ўқув жараёнларига жалб қилиниши лозим.

Институционал назария: Институционал муҳит ва ташкилотларнинг тузилиши кадрларнинг ривожланишига таъсир қилади <sup>64</sup>. Давлат фуқаролик хизмати тизимининг институционал асосларини такомиллаштириш орқали кадрлар салоҳиятини ошириш мумкин.

Рақамли трансформация назарияси: Рақамли технологияларнинг жорий этилиши кадрларнинг янги кўникмаларни эгаллашини талаб қилади<sup>65</sup>. Давлат хизматчилари рақамли саводхонликни оширишлари зарур.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Хорижий давлатлар ва Ўзбекистон мисолида қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак:

#### **Сингапур**

Сингапур давлат хизмати коллежи давлат фуқаролик хизматчилари учун махсус таълим дастурларини тақлиф қилади.

---

<sup>62</sup> Becker, G. S. (1964). "Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis". University of Chicago Press.

<sup>63</sup> Jarvis, P. (2004). "Adult Education and Lifelong Learning: Theory and Practice". Routledge.

<sup>64</sup> North, D. C. (1990). "Institutions, Institutional Change and Economic Performance". Cambridge University Press.

<sup>65</sup> Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). "The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies". W.W. Norton & Company.

Инновацион таълим услублари, амалий машғулотлар ва лидерлик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Сингапурнинг давлат хизмати тизими дунёдаги энг самарали тизимлардан бири ҳисобланади, бу эса кадрларнинг юқори малакаси ва замонавий кўникмалари билан боғлиқ.<sup>66</sup>

### **АҚШ**

АҚШдаги Федерал таълим институти федерал давлат фуқаролик хизматчилари учун профессионал ривожланиш дастурларини амалга оширади. Замонавий технологиялар ва тенденцияларни давлат бошқарувида қўллашга йўналтирилган курслар мавжуд. АҚШда давлат хизматчилари учун махсус лидерлик дастурлари ва малака ошириш курслари ташкил этилган.<sup>67</sup>

### **Буюк Британия**

Буюк Британиянинг Миллий давлат хизмати коллежи давлат фуқаролик хизматчиларига кенг кўламли таълим ва ривожланиш имкониятларини таклиф этади, шу жумладан, онлайн курслар, стажировкалар ва mentorship дастурлари. Буюк Британияда давлат хизматчиларининг касбий ривожланишига катта эътибор қаратилган, бу эса давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.<sup>68</sup>

### **Ўзбекистон тажрибаси**

#### **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги фармонида асосан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг вазифаси давлат фуқаролик хизматида киришда шаффоф механизмларни яратиш ва кадрлар сиёсатини такомиллаштиришдан иборат.<sup>69</sup>

#### **Замонавий кўникмалар ва технологиялар**

Давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантиришда қуйидаги замонавий кўникмалар муҳим аҳамиятга эга:

1. **Рақамли саводхонлик:** Ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, электрон ҳужжат айланиш тизимларини бошқариш ва киберхавфсизлик қоидаларини тушуниш.

2. **Маълумотлар таҳлили:** Катта маълумотлар билан ишлаш, статистик таҳлил усулларини қўллаш ва қарор қабул қилишда маълумотларга асосланиш.

3. **Коммуникация ва лидерлик:** Жамоа билан ишлаш, фуқаролар билан самарали мулоқот қилиш ва муаммоларни ҳал этиш қобилияти.

---

<sup>66</sup> Singapore Civil Service College. Расмий веб-сайти: (<https://www.csc.gov.sg>).

<sup>67</sup> Federal Executive Institute. Расмий веб-сайти: (<https://leadership.opm.gov>).

<sup>68</sup> UK Civil Service College расмий веб-сайти: <https://www.civilservicecollege.org.uk>

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида".

**4. Танқидий фикрлаш ва инновация:** Масалаларга ижодий ёндашиш, янги ғоялар таклиф қилиш ва уларни амалга ошириш.

**Амалий таҳлил**

Давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш учун амалий таҳлиллар ўтказилди.

- **Кадрлар сиёсатидаги ўзгаришлар:** 2022 йилда қабул қилинган **“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун**<sup>70</sup> давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди. Ушбу қонун давлат фуқаролик хизмати тизимини тартибга солиш ва давлат фуқаролик хизматчиларига касбий ривожланиш имкониятларини таъминлашга қаратилган.

- **Vacancy.argos.uz портали:** Давлат фуқаролик хизматида ишга қабул қилиш тизимини тартибга солиш мақсадида ушбу портал яратилган бўлиб, 2024 йил июнь ойи ҳолатига кўра, давлат идораларидаги **500** га яқин вакант лавозимлар учун vacancy.argos.uz портали орқали танловлар ўтказилди. Бугунги кунга келиб, **3 миллионга** яқин номзод вакант лавозимлар очиқ танловларида қатнашди. Порталга **16 000** дан ортиқ ташкилотлар уланган, **470 000** нафарга яқин фуқаролар ўз резюмебини шакллантирган.<sup>71</sup>

- **Малака ошириш курслари:** Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан **2024** йилнинг **январь-август** ойлари давомида турли соҳаларга оид анъанавий ва онлайн шаклда жами **120** та ўқув курси, **31** та экспресс-тренинг ташкил этилди. Уларда жами **60 мингдан** ортиқ давлат фуқаролик хизматчилари иштирок этишди. Масофавий малака ошириш курсларида давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақтидан ажралмаган ҳолда билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида **“Давлат хизматига кириш”, “Давлат фуқаролик хизматчисининг этикаси”, “Иқтисодий билим асослари”** номли масофавий малака ошириш курсларида барча бўғиндаги давлат фуқаролик хизматчиларини ўқитиш режалаштирилган.

- **Маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик:** Ўзбекистон давлат фуқаролик хизматчилари учун хорижий мамлакатларда стажировкалар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, **2023-2024** йил мобайнида **200** нафардан ортиқ давлат фуқаролик хизматчилари Хитой, Сингапур, АҚШ, Франция, Малайзия, Жанубий Корея ва Германияда малака ошириш курсларида қатнашди<sup>72</sup>.

- **Рақамли технологияларни жорий этиш:** Давлат бошқаруви тизимида электрон ҳужжат айланиши ва электрон хизматлар кенг жорий этилмоқда. Масалан, **“Е-ХАТ”** электрон ҳужжат айланиши тизими

---

<sup>70</sup> “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун, 2022 йил 8 август, 788-сон.

<sup>71</sup> “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали”. Веб-сайт: (<https://vacancy.argos.uz>).

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги маълумотлари, 2023 йил

орқали давлат органлари ўртасида хужжат алмашинуви вақти 50% га қисқарди<sup>73</sup>.

### **Долзарб муаммолар ва ечимлар**

Бугунги кунда ушбу йўналишда эришилаётган ютуқлардан ташқари баъзи камчиликлар сақланиб қолмоқда. Мисол учун:

**1. Технологик инфратузилманинг етишмаслиги:** Рақамли технологиялардан фойдаланиш даражаси баъзи ҳудудларда қониқарли даражада эмас.

**Ечим:** Технологиялар инфратузилмасини такомиллаштириш, Республиканинг баъзи ҳудудларида давлат фуқаролик хизматчилари учун замонавий компьютерлар ва интернет алоқасини таъминлаш зарур.

**2. Таълим дастурларининг сифатини ошириш:** Мавжуд дастурлар замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

**Ечим:** Жаҳон тажрибасини ўрганиб, таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш ва замонавий фанларни қўшиш мумкин.

**3. Хорижий тилларни билиш даражаси пастлиги:** Халқаро тажрибани ўрганиш ва халқаро алоқаларни ўрнатиш учун хорижий тилларни билиш муҳим.

**Ечим:** Давлат фуқаролик хизматчилари учун хорижий тилларни ўрганиш курсларини ташкил этиш зарур.

**4. Мотивация ва рағбатлантиришнинг етарли эмаслиги:** Касбий ривожланишга бўлган қизиқишни ошириш учун рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш керак.

**Ечим:** Касбий ривожланишда фаол бўлган давлат фуқаролик хизматчилари учун моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини ривожлантириш бугунги кунда жаҳон миқёсида долзарб масала ҳисобланади. Назарий қарашларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакат ўзининг ўзига хос шарт-шароитлари ва ривожланиш стратегиясига мувофиқ бу масалага ёндашмоқда. Ўзбекистон шароитида фикримизча, давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳиятини оширишда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: **Миллий қадриятлар ва анъаналарга таянган ҳолда инновацияларни жорий этиш:** Давлат фуқаролик хизматчиларини тайёрлашда миллий маданият ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда замонавий инновацион ёндашувларни жорий этиш муҳим. Бу хизматчиларнинг миллий манфаатларга содиқ қолган ҳолда глобал рақобатбардошликни таъминлашга ёрдам беради.

**Илмий-тадқиқот ишларига кенгроқ жалб этиш:** Давлат фуқаролик хизматчилари фақат ижрочи эмас, балки тадқиқотчи

---

<sup>73</sup> "Е-ХАТ" электрон хужжат айланиши тизими статистикаси, 2023 йил

сифатида ҳам фаолият юритиши керак. Бунинг учун уларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, амалий муаммоларни ҳал этишда уларнинг илмий салоҳиятидан фойдаланиш зарур.

**Маҳаллий ва хорижий тажрибани уйғунлаштириш:** Жаҳон тажрибасини ўрганиш албатта муҳим, аммо уни маҳаллий шарт-шароитларга мослаштирмасдан тўғридан-тўғри қўллаш самарасиз бўлиши мумкин. Шунинг учун, хорижий тажрибани маҳаллий реалликларни инобатга олган ҳолда татбиқ этиш лозим.

**Кадрлар сиёсатида меритократия принципларини мустаҳкамлаш:** Давлат хизматчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, лавозимларга тайинлашда профессионаллик ва кўникмаларга асосланиш кадрларнинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

**Технологик ривожланишга мос равишда кадрларни тайёрлаш:** Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат хизматчилари замонавий технологияларни чуқур билиши шарт. Бунинг учун уларни доимий равишда IT кўникмаларини оширишга йўналтирилган ўқув курслари ва тренингларга жалб этиш лозим.

Шунингдек, амалий таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги тавсияларни бериш мумкин: **Кадрларнинг малакасини оширишда индивидуал ёндашув:** Ҳар бир давлат хизматчисининг ўзига хос эҳтиёжлари ва ривожланиш йўналишлари бор. Шу сабабли, уларнинг касбий ривожланиши учун индивидуал дастурлар ишлаб чиқиш самарали бўлади.

**Хорижий тилларни ўрганишни мажбурий этиш эмас, балки рағбатлантириш:** Тил ўрганишга қизиқишни ошириш учун моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш керак. Масалан, хорижий тилни яхши биладиган хизматчиларни халқаро лойиҳаларга жалб этиш.

**Инновацион фикрлашни рағбатлантириш:** Давлат хизматчилари орасида янги ғояларни илгари суриш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун махсус платформалар ва форумлар ташкил этиш мумкин.

### **Хулоса**

Янги давр талаблари ва глобал тенденциялар давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий ривожланишини стратегик аҳамиятга эга масалага айлантормоқда. Давлат фуқаролик хизматчиларининг замонавий кўникмаларни эгаллаши, инновацион технологиялардан фойдаланиши ва жаҳон тажрибасини ўрганиши давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашга ва давлатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

"Ўзбекистон - 2030" стратегияси<sup>74</sup> доирасида давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий малакасини ошириш, уларни замонавий билим ва кўникмалар билан таъминлаш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш назарда тутилган. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш, инновацион фаолиятни кенг жорий этиш ва ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш орқали давлат фуқаролик хизматчиларининг илмий салоҳиятини оширишга эътибор қаратилган. Жаҳон тажрибасини ўрганиш ва уни маҳаллий шарт-шароитларга мослаштириш орқали давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий ривожланишига янги суръат бериш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, давлат фуқаролик хизматчиларининг салоҳияти ва касбий ривожланишига қаратилган саъй-ҳаракатлар давлатнинг умумий тараққиётига, жамиятнинг фаровонлигига ва келажак авлодлар учун мустақкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида".

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги. Расмий веб-сайти: <https://www.argos.uz>.

4. Singapore Civil Service College. Расмий веб-сайти: <https://www.csc.gov.sg>.

5. Federal Executive Institute. Расмий веб-сайти: <https://leadership.opm.gov>.

6. UK Civil Service College. Расмий веб-сайти: <https://www.civilservicecollege.org.uk>.

7. Becker, G. S. (1964). "Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis". University of Chicago Press.

8. Jarvis, P. (2004). "Adult Education and Lifelong Learning: Theory and Practice". Routledge.

9. North, D. C. (1990). "Institutions, Institutional Change and Economic Performance". Cambridge University Press.

10. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). "The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies". W.W. Norton & Company.

11. "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун, 2022 йил 8 август, 788-сон.

---

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони. "«Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида"

# Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13

Tashkent, Uzbekistan

ilmiymaktab@gmail.com

www.laboreconomics.uz